

Гуноҳ қилишнинг беш хил йўли



07:10 / 23.08.2019 4839

Иброҳим ибн Адҳам раҳимаҳуллоҳнинг олдига бир киши келиб, «Эй Абу Исҳоқ, мен нафсимга кўп эргашиб қоляпман. Менга қаттиқ таъсир қиладиган, қалбимни бундай иллатдан қутқарадиган бирор нарса айтинг», деди. Иброҳим ибн Адҳам раҳимаҳуллоҳ шундай деди: «Бешта хислатни қабул қилиб, асло тарк қилмасанг, нафсинг ҳам сенга зарар бера олмайди, лаззат ҳам сени ҳалок қилмайди», деди. «Унда айтинг, эй Абу Исҳоқ», деди у киши.

Иброҳим ибн Адҳам раҳимаҳуллоҳ шундай деди:

- Аллоҳ аzza ва жаллага осийлик қилмоқчи бўлсанг, Унинг ризқини ема!
- Бошқа қаердан ейман? Ахир дунёдаги ҳамма нарса Аллоҳнинг ризқидан-ку!

- Ундай бўлса Аллоҳнинг ризқидан еб, яна Унга осийлик қилиш яхшими?
- Йўқ, албатта. Иккинчисини айтинг.
- Аллоҳга осийлик қилмоқчи бўлсанг, Унинг ерида яшама!
- Бу биринчисидан ҳам қийинроқ-ку? Мағриб билан машриқ орасидаги ҳамма жой Аллоҳники бўлса, бошқа қаерда яшайман?
- Ундай бўлса Аллоҳнинг ризқидан еб, Унинг ерида яшаб, Унга осийлик қилиш яхшими?
- Йўқ, албатта. Учинчисини айтинг.
- Аллоҳнинг ризқидан еб, Унинг ерида яшаб туриб ҳам унга осийлик қилмоқчи бўлсанг, У кўрмайдиган бирор жойни топиб, ўша ерда гуноҳ қил!
- Эй Иброҳим, бунинг иложи йўқ-ку? Ахир Аллоҳ ҳамма нарсани билиб, кўриб, эшитиб туради-ку!
- Ундай бўлса, Унинг ризқидан еб, У сени кўриб турган ҳолда Унинг ерида яшаб гуноҳ қилишинг яхшими?
- Йўқ, албатта. Тўртинчисини айтинг.
- Жон оловчи фаришта жонингни олиш учун келса, унга: «Менинг жонимни олмай тур, тавба қилиб, солиҳ амал қилиб олай!» дегин.
- Жон оловчи фаришта бу гапларни қабул қилмайди-ку ахир?
- Тавба қилиш учун ўлимни даф қила олмас экансан, ўлим фариштаси келганда уни кечиктириб бўлмаслигини билар экансан, қандай қилиб азобдан қутулишни умид қиласан?
- Бўлди, бешинчисини айтинг.
- Қиёмат куни жаҳаннам лашкарлари сени ушлаб, дўзах томонга судраса, улар билан бормагин.
- Улар мени қўйиб юбормайди-ку, менинг истагимни эшитиб ҳам ўтирмайди-ку?
- Ундай бўлса, сенга нажотдан умид йўқ экан!
- Етар, Иброҳим, бўлди! Аллоҳга истиғфор айтиб, тавба қиламан.

«Солиҳлар гулшани» китобидан